

## Саҳобалар шундай бўлишган



08:00 / 14.09.2020 1713

Абу Арокадан ривоят қилинади: «Али ибн Абу Толиб розияллоху анху билан бомдод намозини ўқидим. Салом бергач, ўнг томонга ўгирилдилар, кейин қуёш масжид деворига найза баробарида кўтарилгунча ғам-қайғу эзиб қўйган одамдек ўтирдилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларини кўп кўрганман. Бугун уларга ўхшайдиганлар йўқ. Улар сочлари тўзиган, ранглари сарғайган, чангга ботган ҳолда тонг оттирдилар. Тунни сажда ва қиёмда туриб, Аллоҳнинг Китобини ўқиб ўтказар эдилар. Тонг отса, кучли шамолда эгилган дарахтдек тебраниб, Аллоҳни зикр қилардилар. Кўзларидан оққан ёшга кийимлари ҳўл бўлар эди. Ҳозиргилар эса ғафлатда ухлашяпти.

Али розияллоху анхуни Ибн Мулжам пичоқлагунча у зотнинг оғизларини очиб кулганларини кўрмаганман.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**